*КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг лойиҳаси*

# ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА ВА 2000 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДА СССР АҲОЛИСИНИНГ СОҒЛИҒИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**(Давоми. Боши 1-, 2-бетларда).**

Уларга, шунингдек, медицина ва фармацевтика олий ўқув юртлари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг ўқув-ёрдамчи ходимлари (лаборантлар, препараторлар ва бошқалар)га ушбу олий ўқув юртларига қабул қилишнинг амалий соғлиқни сақлаш системасидаги иш тажрибасига эга бўлган кишилар учун белгиланган шартлари жорий этилсин. Ўн иккинчи беш йилликда барча медицина ва фармацевтика институтлари ҳузурида тайёрлов бўлимлари ташкил этиш тугаллансин, соғлиқни сақлаш ходимларини тайёрлаш тармоқ формалари кенгайтирилсин, олий ва ўрта ўқув юртларига қабул қилинадиганлар сони кадрларга нисбатан илмий асосланган талаб-эҳтиёжга мувофиқ ҳолга келтирилсин.

Врачлар тайёрлашни яхшилаш учун ўқув планлари, медицина, биология фанлари ва клиник фанларни ўқитиш мазмуни, ишлаб чиқариш практикасини ташкил этиш, студентлар билимини контрол қилиш системаси қайта кўриб чиқилсин, ўқитиш амалий соғлиқни сақлаш эҳтиёжларига мумкин қадар кўпроқ яқинлаштирилсин. Бўлажак врачларнинг профессионал тайёргарлиги ҳажмини ошириш ва ягона программаларга мувофиқ клиник фанларни анча барвақт ўрганиш; турли хил билимлар ўртасидаги нисбатни студентларнинг мустақил ишлаши фойдасига ўзгартириш ҳамда уларнинг амалий малакаларни ўзлаштириб олишлари, шу жумладан, замонавий ва истиқболли медицина техникасини ўрганишлари; турдош ўқув курсларини бирлаштириш ва йириклаштириш ҳисобига ортиқча предметларни камайтириш; олий медицина мактабларида ижтимоий фанларни ўқитишнинг профессионал йўналишини кучайтириш; иккинчи ва бешинчи курсларда студентларни аттестациядан ўтказиб, кўчиш давлат имтиҳонларини жорий этиш кўзда тутилсин.

Студентларнинг билимлари сифатига нисбатан талабчанлик кучайтирилсин. Студентларнинг коллективларида ижодий активлик ва билимларни эгаллашда мусобақалашиш вазияти вужудга келтирилсин. 1988/89 ўқув йилидан бошлаб студентларнинг амалий кўникмаларини босқичма-босқич аттестациядан ўтказиш жорий қилинсин. Ўқишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлишга йўл қўяётган студентлардан пастки курслардаёқ қатъиян халос бўлинсин.

Врачлар ва провизорлар тайёрлашнинг якунловчи босқичи бевосита замонавий, энг янги медицина техникаси билан жиҳозланган муассасаларда ўтказилсин. Субординатура ва интернатура самарадорлиги оширилсин, ёш мутахассисларнинг диққат-эътибори танлаб олинган ихтисос бўйича билимлар ва малакаларни чуқур ўзлаштиришга қаратилсин.

Олий медицина ва фармацевтика таълимини, амалий соғлиқни сақлаш ва илм-фанни интеграциялашга кўмаклашувчи ташкилий шарт-шароитлар вужудга келтирилсин. Катта касалхоналари бўлган медицина илмий институтлари ва олий ўқув юртлари бирлашмалари ташкил этилсин, профил кафедралари илмий-тадқиқот муассасалари базасида жойлаштирилсин.

Мутахассисларни тайёрлаш, студентлар практикасини, интернатура ҳамда битирувчиларнинг стажировкасини ўтказиш учун фойдаланиладиган даволаш-профилактика муассасалари ҳамда бошқа муассасаларнинг типовой низомлари ишлаб чиқилиб, 1988/89 ўқув йилидан амалда жорий этилсин.

Давлат имтиҳонларининг аҳамияти оширилсин ва уларни ташкил этиш яхшилансин. Олий ўқув юртларини битириб чиққанларнинг назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлигига нисбатан ягона талаблар таъминлансин. Студентларни давлат имтиҳонларига қўйиш шарти сифатида уларнинг мустақил профессионал фаолиятга тайёрлигини комплекс аттестациядан ўтказиш жорий қилинсин. Давлат имтиҳон комиссиялари составига амалий соғлиқни сақлаш системаси вакиллари киритилсин. Ана шу комиссияларга олий мактабларни битириб чиқувчи кишилар давлат имтиҳонларини топширмаганлари тақдирда, уларга ўрта медицина ходимлари малакасини бериш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ҳуқуқи берилсин. Улар тақсимланган жойида бир йил ишлагандан кейин давлат имтиҳонларини такрорий топширган тақдирда врачлик дипломини қўлга кирита олишлари кўзда тутилсин.

Аҳолига медицина ёрдамини тубдан яхшилашда ўрта ва кичик медицина ходимлари муҳим роль ўйнайди. Фельдшер, медицина ҳамшираси, фармацевт, санитарка — врачнинг шунчаки энг яқин ёрдамчилари бўлиб қолмай, улар соғлиқни сақлашнинг таянч бўғинидир. Ўрта медицина ходими касби врачларнинг тайинлаганларини аниқ-пухта бажаришни, кузатувчанликни, мушкул вазиятларда топқирликни, ҳамдард, меҳрибон ва раҳм-шафқатли бўлишни талаб этади.

Замонавий диагностика ва даволаш методларининг мураккаблиги ўрта медицина ва фармацевтика маълумоти бўлган мутахассислар тайёрлаш сифати оширилишини тақозо этади. Шу муносабат билан билим юртларининг ўқув планлари ва программаларини қайта кўриб чиқиш, уларда ишлаб чиқариш практикаси, замонавий асбоб-ускуналар, техника, кичик механизация воситалари билан ишлаш усуллари ва методларига ўргатиш ҳажмини кўпайтириш зарур. Ўрта ва олий медицина маълумоти бўлган мутахассислар тайёрлашда вужудга келган номутаносиблик бартараф этилсин.

Ёш мутахассисларнинг билим савиясини, аввало, профессор-ўқитувчилар составининг малакаси белгилаб беради. Педагог кадрларни танлаш, улардан фойдаланиш ва улар меҳнатини ташкил этиш борасидаги ишларни такомиллаштириш ғоят муҳим вазифадир. Уларнинг профессионал савиясини ошириш учун мамлакатнинг етакчи илмий марказлари ва клиникаларида стажировка жорий этилсин. Студентлар ва ўқувчиларга таълим беришга соғлиқни сақлаш соҳасининг етакчи олимлари, мутахассислари ва ташкилотчилари кенгроқ жалб этилсин.

1988—1990 йилларда медицина ва фармацевтика институтлари аттестациядан ўтказилсин, аттестация давомида айрим олий ўқув юртларининг категориясини ўзгартириш, баъзи факультетларга қабул қилишни камайтириш ва айрим олий ўқув юртларини ёпиш тўғрисидаги масала ҳал қилинсин.

Студентлар ва ўқувчилар учун янги дарсликларни яратиш конкурсларини ўтказиш практикага жорий қилинсин, бундай дарсликлар нусхаси эҳтиёжларни тўла-тўкис қондирадиган миқдоргача кўпайтирилсин. Справочник ва энциклопедия адабиёти етарли миқдорда мунтазам чиқариб турилиши таъминлансин. Ўн иккинчи беш йилликда амбулатория-поликлиника бўғини врачлари ва ўрта медицина ходимлари учун махсус энциклопедиялар нашр этилсин. 1993—2000 йилларда Катта медицина энциклопедиясининг янги нашри босиб чиқарилсин.

Медицина кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш системаси қайта қурилсин. Врачлар малакасини ошириш институтлари ва факультетларини янада ривожлантириш юзасидан амалий чоралар кўрилсин. Профессор-ўқитувчилар составининг диққат-эътибори актив таълим методларини, соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг илғор иш тажрибасини, янги илмий ишланмаларни жорий этишга қаратилсин. Малака оширишга юборилаётган олий ва ўрта медицина маълумотига эга бўлган мутахассислар, биринчи навбатда, соғлиқни сақлаш бошланғич бўғини, болалар муассасалари ҳамда туғруққа ёрдам бериш муассасалари ходимлари сони кўпайтирилсин.

Мутахассисларнинг билимларини муттасил бойитиб ва янгилаб боришдан манфаатдорлиги оширилсин, уларнинг хизматда ўсиши ва иш ҳақининг кўпайиши малакани ошириш натижаларига, профессионал билимга бевосита боғлиқ қилиб қўйилсин. Шу мақсадда медицина ходимларини вақти-вақти билан аттестациядан ўтказиб туришдан кенгроқ фойдаланилсин, уларнинг профессионал тайёргарлигига, иш натижаларига, меҳнат ва ижро интизомига риоя этишига, ахлоқ-одоб фазилатларига ва ғоявий-сиёсий етуклигига баҳо бериш аттестацияга асос қилиб олиниши керак. Номзодлар меҳнат коллективларида кенг муҳокама қилиниб, малака, категория бериш конкурс системаси жорий қилинсин. Аттестациянинг сифати учун соғлиқни сақлаш органлари ҳамда муассасалари раҳбарларининг ва бош мутахассисларининг жавобгарлиги кучайтирилсин, уни ўтказиш чоғида расмиятчиликка барҳам берилсин, аттестация комиссиялари ишининг кенг ошкоралиги таъминлансин.

Соғлиқни сақлаш системасидаги барча салбий ҳодисаларга ва масъулиятсиз хатти-ҳаракатларга, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб, медицина ходими деган юксак номга доғ тушираётган шахсларга қарши муросасиз кураш эълон қилинсин. Шу шахсларни врачлик дипломидан маҳрум қилиш имконини берадиган юридик характердаги масалалар тартибга солинсин.

Мамлакат айрим регионларининг кадрлар билан таъминланишидаги номутаносиблик тугатилсин, соғлиқни сақлашнинг энг муҳим участкалари: болалар муассасалари ва туғруққа ёрдам бериш муассасалари, поликлиникалар, тез ва шошилинч медицина ёрдами станциялари ҳамда бўлимлари, қишлоқ районларидаги касалхоналар ва амбулаториялар кадрлар билан таъминлансин. Медицина ходимларини ишда муқим жойлаштириб қолиш мақсадида улар учун зарур ишлаб чиқариш ва уй-жой шароитларини вужудга келтириш, қонунда белгиланган афзаллик ва имтиёзларни тўла-тўкис бериб қўйиш зарур. Ишдаги юксак кўрсаткичлар учун, фан ва техника ютуқларини практикага фаол жорий этганлик учун маънавий ва моддий рағбатлантириш формаларидан кенг фойдаланилсин.

Соғлиқни сақлаш системасидаги барча бўғинларнинг раҳбар кадрларини тайёрлашни янада такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилсин. Уларнинг амалий малакаси мунтазам суратда ошириб борилсин, соғлиқни сақлашни бошқариш ва унинг экономикаси асосларини улар чуқур ўзлаштириб олиб, коллективларда юксак талабчанлик вазиятини, профессионал бурчни адо этиш учун қулай шароитларни вужудга келтиришларига, ташаббускорликни, мураббийликни, социалистик мусобақани ривожлантиришларига эришилсин, раҳбар кадрларнинг амалий резервини тайёрлаш таъминлансин.

Медицина ходимлари орасида ғоявий-тарбиявий иш савиясини юксалтириш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш ҳамда профилактика, диагностика ва даволаш янги методларини соғлиқни сақлаш практикасига жорий этиш мақсадларида «Медицинская газета»нинг даврийлиги оширилсин.

Медицина олимларининг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари яхшилансин. Даволаш-профилактика муассасаларида санитария-маиший хоналар, ошхоналар, буфетлар, хизмат пунктлари ташкил этилсин. Уй-жой қурилиши кооперативлари, санаторий-профилакторийлар, дам олиш базалари, пионер лагерлари тармоғи ривожлантирилсин. Санаторий-курортда даволаниш ва дам олишга йўлланмалар сони кўпайтирилсин.

Соғлиқни сақлаш ходимлари ҳар бир меҳнат коллективида ижодий активлик вазиятини, совет кишилари соғлиғини сақлаш ишларини яхшилаш янги йўлларини излаш, термоядро уруши хавфига қарши курашда барча мамлакатлар врачлари куч-ғайратларини бирлаштириш вазиятини вужудга келтиришга даъват этилгандирлар.

## IV. Медицина фанини актив ривожлантирайлик, унинг ютуқларидан соғлиқни сақлаш практикасида кенгроқ фойдаланайлик

Халқ соғлиғини мустаҳкамлашда, медицина ёрдами кўрсатиш принципиал янги воситалари ва методларини яратишда, совет кишилари соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва қарор топтиришда медицина фани етакчи роль ўйнайди.

Совет медицина фани жаҳонда мустаҳкам обрў-эътибор қозонди. Унинг ютуқлари салмоқли ва буни ҳамма эътироф этади. Аммо жамиятимиз бошидан кечираётган революцион ўзгариш даври медицина фани олдига оширилган талаблар қўяди. Одамларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг актив фаолиятини узайтиришдек жуда муҳим вазифани ҳал этишда Ватанимиз медицина фанининг имкониятларидан ҳали тўла йўсинда фойдаланилмаяпти. Соғлиқни сақлаш туб проблемалари билан алоқадор катта-катта комплекс тадқиқотлар оз бажариляпти. Кўпгина илмий тадқиқот ишларининг сифати паст даражада қолмоқда. Иммунология, генетика, биотехнология, трансплантология, гематология, стоматология, фармокологияда фундаментал тадқиқотлар соҳасида қолоқлик кўзга ташланмоқда. Медицина практикасида ҳозирги замон фанининг ютуқлари суст жорий этилмоқда.

Илмий ишларни планлаштириш ва пул билан таъминлашдаги расмиятчиликлар, тадқиқотлар ўтказишга социал буюртманинг йўқлиги, илмий ишланмалар пировард натижаларининг сифатига талабчанлик пастлиги ҳам медицина фанининг орқада қолишига сабаб бўлди. Кўпгина коллективларнинг методологик ва илмий-техникавий иш савияси жаҳон медицина фани эришган ютуқларга мувофиқ келмайди. Илмий тадқиқот институтлари тармоқлари ва структураси замонавий даражада кенг кўламли илмий-тадқиқотлар ўтказишга имкон бермаяпти.

Жаҳон медицинаси эришган ютуқлар, мамлакат халқ хўжалигининг интенсив ривожланаётган тармоқлари тажрибалари юқори малакали кадрлари бўлган ихтисослашган бўлинмалар тузиш ва жорий этиш жараёнини моддий рағбатлантириш йўли билангина профилактика, диагностика ва даволаш янги метод ва воситаларини соғлиқни сақлаш практикасига ўз вақтида кенг жорий этишни таъминлаш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Буларнинг ҳаммаси медицина фанини бошқаришни, илмий фаолиятни планлаштириш ва ташкил этишни тубдан қайта қуришни, бу жараёнларга конкрет, муайян мақсадни кўзловчи ҳужумкор тус бахш этишни тақозо қилади. Соғлиқни сақлаш социал буюртмаларига мувофиқ тадқиқот ишларини олиб бориш зарур. Олимларнинг куч-ғайратлари медицина-биологик, клиник ва биологик тадқиқотларнинг асосий фундаментал йўналишларига қаратилмоғи керак, бунинг натижалари соғлиқни сақлаш практикаси проблемаларини тубдан ҳал этишга, аввало, касалликларнинг олдини олиш, уларни барвақт даволаш мақсадида касаллик сабабларини топишга олиб бормоғи лозим. Демографик силжишлар, ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитнинг ўзгарувчан шароитлари ва миграция жараёнлари муносабати билан медицина-социал проблемаларни ўрганиш, аҳоли соғлиғининг аҳволи ва динамикасини таҳлил этиш фаннинг биринчи навбатдаги вазифалари деб ҳисоблансин. Она ва бола соғлиғини сақлашга, юрак-қон томир касалликлари, онкологик, асабий-руҳий, эндокрин, юқумли касалликлар, гематологик, аллергик, стоматологик касалликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилсин.

Ген инженерияси ва биотехнология соҳасидаги илмий-тадқиқотларга, замонавий приборлар ва автоматлаштирилган системаларни, атроф-муҳитни олисдан ва автоматлаштирилган ҳолда назорат этиш методларини ишлаб чиқишга куч-ғайратлар жамлансин. Илмий муассасаларни ташкил этиш ва уларни бошқариш янги принципларини ишлаб чиқиш, фан-техника тараққиёти ютуқларини амалга ошириш, замонавий ахборот-излаш системаларини яратиш кучайтирилсин. Медицина соҳасидаги мутахассисларгина эмас, шу билан бирга социологлар, демографлар, математиклар ҳамда фан ва техника бошқа тармоқлари вакилларининг куч-ғайратлари ана шу барча энг муҳим йўналишларга қаратилсин.

**СССР Медицина фанлари академияси мамлакатдаги бутун медицина фанига раҳбарлик қилиш ва уни планлаштиришнинг чинакам штаби бўлиб қолмоғи ва ўз фаолиятини СССР Фанлар академияси билан ҳамда халқ хўжалиги бошқа тармоқларининг илмий-тадқиқот институтлари билан мустаҳкам боғламоғи лозим.** Ҳар бир илмий коллектив ва ходимнинг иш самарадорлигини анча ошириш, илмий ечимларнинг назарий ва амалий қиммати учун уларнинг масъулиятини кучайтириш СССР Медицина фанлари академиясининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва иттифоқдош республикаларнинг Соғлиқни сақлаш министрликлари илм-фанга социал буюртма бериб туришни, илмий имкониятлардан интенсив фойдаланишни, илмий-тадқиқот ишлари натижалари билан илғор тажрибани практикага кенг кўламда оператив жорий этиб боришни таъминласин. Олий мактаблар ҳамда врачлар малакасини ошириш институтларида ўтказилаётган илмий-тадқиқотлар ҳажми анча кенгайтирилсин ва сифати оширилсин, тармоқ, олий мактаб фани билан амалий соғлиқни сақлаш ишлари ўртасидаги алоқаларни кучайтириш чоралари кўрилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Медицина фанлари академияси планлаштириладиган ва тугалланган илмий ечимларга баҳо беришда экспертизанинг ролини оширсин, тармоқнинг информацион ва патент-лицензия хизмати такомиллаштирилсин.

Илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширишни кучайтириш мақсадида СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги СССР Медицина фанлари академияси билан биргаликда 1987—1988 йилларда илмий-тадқиқот муассасалари тармоқларини қайта кўриб чиқсин, илмий жиҳатдан самарасиз институтларни тугатиб, ундан бўшаган ходимлар, моддий ресурслар ва молиявий ресурслардан энг муҳим илмий йўналишларда фойдаланилсин. Ходимнинг иш ҳақини пировард натижага эришиш учун конкрет қўшган ҳиссасига қараб табақалаштириб, фан ходимларининг илмий-тадқиқотларни жадаллаштириш ва натижаларини практикага жорий этишдан манфаатдорлиги оширилсин. Бажариладиган ишлар ҳажми кенгайганида илмий муассасаларнинг раҳбарларига инженер-техник ходимлар, лаборантлар ва хизмат ходимлари иш ҳақига қўшимча ҳақ белгилаш ҳуқуқи берилсин.

Илмий муассасалар ишини интенсивлаш ҳисобига муҳим амалий аҳамиятга эга бўлган қўшимча тадқиқотларни бажариш учун хўжалик ҳисоби асосида шартномалар тузиш практикаси кенгайтирилсин. Буюртмачидан олинадиган маблағлар шу муассасалар моддий базасини мустаҳкамлашга, ходимлар меҳнатини қўшимча рағбатлантириш ва социал-маиший шароитларни яхшилашга сарфлансин.

Бош илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларининг ўзига қарашли муассасалар ва кафедраларга раҳбарлик қилиш, илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш, илмий кадрлар тайёрлаш ва уларни аттестациядан ўтказиш, молиявий ресурслар ва моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни тақсимлаш борасидаги ҳуқуқлари кенгайтирилсин. Илмий марказлар ҳамда бош илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида тажриба-экспериментал хизматни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблансин.

СССР Медицина фанлари академияси СССР Фанлар академияси, СССР Химия саноати министрлиги ҳамда бошқа министрликлар ва идоралар иштирокида тармоқлараро илмий-техника комплекслари, биринчи навбатда юксак сифатли химиявий ва биологик реагентлар, самарали дори-дармонларни тайёрлаш ва уларни саноат кўламида ишлаб чиқаришни йўлга қўйсин.

Муҳим проблемаларни комплекс равишда ишлаб чиқиш ҳамда тадқиқот натижаларини практикага жорий этишни жадаллаштириш учун илмий марказлар, илмий-практика (ишлаб чиқариш) бирлашмалари, тармоқлараро илмий-техника комплекслари (лабораториялар), муваққат илмий коллективларни ташкил этишдан кенгроқ фойдаланилсин.

СССР Госснаби, СССР Фан ва техника давлат комитети, машинасозлик министрликлари соғлиқни сақлаш илмий муассасаларини Ватанимизда ясалган ва жаҳондаги энг яхши намуналарга мос келадиган приборлар ва аппаратлар билан таъминласин.

Социал гигиена ва соғлиқни сақлаш ишларини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларнинг самарадорлиги оширилсин, аҳоли соғлиғидаги тенденциялар чуқур таҳлил этилсин, касалланиш даражаси прогноз қилиб борилсин.

Илмий кадрлар ҳамда илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш чора-тадбирлари амалга оширилсин, олимларнинг юксак профессионал ва маънавий фазилатлари шаклланишига биринчи даражали эътибор берган ҳолда ғоявий-тарбиявий ишлар ва методологик ишлар муттасил такомиллаштириб борилсин.

Медицина ахбороти ва медицина-техника ахбороти системасининг ривожланиши таъминлансин. Совет медицина фани ва халқ соғлиғини сақлаш системаси ютуқларини оммавий-ахборот воситалари билан пропаганда қилишга фаол, ҳужумкор тус бериб, у қайта қурилсин.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, СССР Медицина фанлари академияси медицина фани соҳасида халқаро ҳамкорликни, аввало социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириб борсин, илмий ахборотлар айирбошлашни кенгайтирсин, энг қимматли ечимларни практикага жадал жорий этсин. Халқаро илмий ва илмий-практик бирлашмалар тузилсин.

## V. Соғлиқни сақлашнинг зарур моддий-техника таъминоти яхшилансин

Партия ва ҳукумат совет кишилари соғлиғини сақлаш соҳасида олға сураётган янги вазифалар соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техника базаси анча мустаҳкамланишини, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ва дори-дармон билан таъминлашни тақозо этади. Бу иш КПСС XXVII съездининг социал-маданий соҳа моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги кўрсатмаларини амалга оширишнинг узвий қисми бўлиб қолмоғи керак.

Ҳозирги вақтда 23 мингта касалхона ва 39 мингта амбулатория-поликлиника муассасалари аҳолига медицина ёрдами кўрсатиб турибди.

Шу билан бирга касалхоналардаги ўринларнинг қарийб учдан бир қисми белгиланган санитария-гигиена нормаларини бузган ҳолда мослаштирилган биноларда жойлашган. Кўпгина даволаш-профилактика муассасалари медицина асбоб-ускуналари, дори-дармон, инвентарь ва бемор парваришига тутиладиган ашёлар билан дуруст таъминланмаган.

Соғлиқни сақлаш муассасалари моддий базасини тубдан яхшилаш мақсадида ўн иккинчи — ўн тўртинчи беш йилликларда шу муассасаларни қуриш учун кўзда тутиладиган капитал маблағлар анча кўпайтирилсин. Касалхона ва поликлиникалар қурилишига бериладиган капитал маблағлар салмоғи 2—2,5 марта кўпайтирилиб, янгидан ишга туширилаётган объектларни замонавий-медицина техникаси билан таъминлашга сарфланадиган маблағлар ҳиссаси 40 процентгача етказилсин. Ажратиладиган капитал маблағлар структураси қатъиян ўзгартирилиб, у биринчи навбатда мосланган биноларда жойлаштирилган даволаш-профилактика муассасаларини реконструкция қилиш, техника жиҳатидан янгилаш ва белгиланган санитария нормаларига келтиришга сарфлансин. Барча манбалардан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 1,3—1,4 миллион ўринли касалхоналар ва ҳар сменада 2,9—3,2 миллион беморни қабул қиладиган поликлиникалар ишга туширилсин. Соғлиқни сақлаш объектлари фан-техника тараққиёти ютуқлари ва истиқболларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган ва беморларни даволаш ҳамда ходимларнинг самарали ишлаши учун энг мақбул шароитларни таъминлайдиган фақат янги типовой ва якка лойиҳаларга мувофиқ қурилсин.

Туғруқхоналар, хотин-қизлар консультациялари, болалар касалхоналари ва поликлиникалари илдам суръатлар билан қуриб борилсин ва ажратилаётган капитал маблағларнинг камида 40 проценти шу мақсадларга сарфлансин. 1995 йилга бориб, аҳолининг туғруққа ёрдам бериш муассасалари ва болалар даволаш-профилактика муассасаларига бўлган эҳтиёжлари, 2000 йилга бориб эса стационар ва амбулатория-поликлиника муассасаларига бўлган эҳтиёжлари тўла-тўкис қондирилсин. Шу билан бирга бу муассасаларнинг юқори сифатли ишлаши учун шароитлар яратилсин.

Даволаш-профилактика муассасаларини қуриш ва уларни техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш учун саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотларининг имкониятлари ва маблағларидан, шунингдек меҳнат коллективлари ва гражданларнинг Совет соғлиқни сақлаш фондига тушадиган ихтиёрий взносларидан кенгроқ фойдаланилсин.

Республика, ўлка ва область даволаш-профилактика муассасалари ҳузурида, аввало консультация-диагностика марказлари ҳузурида беморлар ва уларга ҳамроҳ кишилар вақтинча яшаши учун хўжалик ҳисоби негизидаги пансионатлар барпо этилсин.

Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари орасида соғломлаштириш ишларини анча яхшилаш мақсадида корхоналар ва хўжаликларнинг меҳнат коллективларига ўн иккинчи —ўн учинчи беш йилликларда медицина-санитария қисмлари ва санаторий-профилакторийлар очиш, шунингдек ходимларнинг медицина — социал, профессионал ва меҳнат қобилиятини тиклаш учун соғломлаштириш комплекслари, махсус цех ва участкалар тармоқлари ривожлантирилсин.

Қурилиш ишларида бир неча корхоналар ёки ташкилотларнинг маблағларини кооперациялашдан кенгроқ фойдаланилсин.

Қурилган медицина-санитария қисмлари меҳнат коллективларининг илтимосларига мувофиқ корхоналар ва ташкилотлар балансига топширилсин, уларни пул билан таъминлаш ва уларга қараб туришга рухсат этилсин.

Қишлоқ аҳолисига медицина ёрдами бериш анча яхшилансин. Врачлик амбулаторияларини дорихоналар ва медицина ҳамда фармацевтика ходимларига аталган квартиралар билан биргаликда комплекс қилиб қуриш практикаси давом эттирилсин. Ўн иккинчи — ўн тўртинчи беш йилликларда 14 мингтадан ортиқ шундай комплекслар қурилсин.

Диспансерлар, санитария-эпидемиология станциялари ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг, шунингдек илмий-тадқиқот институтлари, олий ва ўрта медицина ўқув юртлари ҳамда врачлар малакасини ошириш институтларининг моддий-техника базаси тубдан мустаҳкамлансин.

Ўн учинчи беш йилликда янги қурилишлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ажратган қўшимча бинолар эвазига хўжалик ҳисобидаги поликлиникалар тегишли моддий базасини яратиш масалалари ҳамма ерда ҳал этилсин. 2000 йил охирига бориб аҳолига кўрсатиладиган пулли медицина хизматлари ҳажми беш баравар кўпайтирилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР министрликлари ва идоралари қурилиш ишлари юксак сифатли бўлишини ва ажратиладиган маблағлар сўзсиз ўзлаштирилишини таъминласинлар. Соғлиқни сақлаш объектлари лойиҳалаштирилаётганда ишлаб турган кишиларнинг камида 25 проценти идорага қарашли уй-жой саҳни билан таъминланиши ҳисобга олиниб, уй-жойлар қурилиши кўзда тутилсин.

Соғлиқни сақлаш муассасаларини ўз вақтида сифатли ремонт қилиш мақсадида ўн иккинчи —ўн тўртинчи беш йилликларда иттифоқдош ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, ўлка ва область марказларида ихтисослаштирилган ремонт-қурилиш ташкилотлари тузилиб, улар маҳаллий соғлиқни сақлаш органларига бўйсундирилсин.

Аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларининг дори-дармон ҳамда медицина аҳамиятидаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини тўла ва ўз вақтида қондириш учун замонавий медикаментлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин ва 1993 йилга борганда Ватанимизда тайёрланадиган ҳамма хил дори-дармонларга бўлган эҳтиёжлар тўла қондирилишини таъминлаш назарда тутилсин. 1995 йилга бориб дори-дармон ҳамда медицина аҳамиятидаги маҳсулотларни реализация қилиш ҳажми икки баравар кўпайтирилсин.

Дори-дармон номенклатураси қайта кўриб чиқилсин, кам самарали препарат ишлаб чиқариш муттасил камайтирила бориб, бўшаган қувватлар ва ресурслардан янги хил дори-дармон ишлаб чиқаришда фойдаланилсин. Дори-дармон аҳоли сонини ва амалдаги эҳтиёжларни назарда тутган ҳолда мамлакатнинг айрим регионларига тақсимланиши таъминлансин.

Дорихоналар кўпайтирилсин ва уларнинг моддий базаси мустаҳкамлансин. 2000 йилгача дорихоналар сони белгиланган нормативларга етказилсин.

Ўн иккинчи —ўн учинчи беш йилликларда стационарларда дори-дармон харид этишга пул харажат нормалари 1,8 —2,2 марта, поликлиникаларда 2—3 марта, стационарларда беморлар овқатига кетадиган харажатлар 1,5—2,5 марта оширилсин. Даволаш учун дориси бепул бериладиган касалликлар рўйхатини янада кенгайтириш кўзда тутилсин.

Соғлиқни сақлаш муассасалари замонавий медицина асбоб-ускуналари, приборлар ва асбоблар билан, биринчи навбатда рентген комплекслари, компьютерли томографлар, ультратовушли, электрон, эндоскопик техника лаборатория анализаторлари, беморларни узлуксиз кузатиб бориш системалари, ҳисоблаш техникаси, кичик механизация воситалари билан қайта жиҳозлансин. Вужудга келтирилаётган консультация-диагностика марказларини, шунингдек, туғруққа ёрдам бериш муассасалари ва болалар даволаш-профилактика муассасаларини жиҳозлашга алоҳида эътибор берилсин.

Ўн учинчи беш йилликда медицина техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш 2,5 марта, ўн тўртинчи беш йилликда 3,5 марта кўпайтирилсин. Бундай техникани тайёрлаш учун саноат мудофаа тармоқларининг корхоналари кенгроқ жалб этилсин. 1992 йилгача бир марта фойдаланиладиган медицина ашёлари ҳамда беморларга қараб туришда ишлатиладиган ашёлар зарур миқдорда тайёрланиши таъминлансин.

**(Давоми 4-бетда).**

